



**15-16 APREL  
2022**

**TOSHKENT  
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR  
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

**XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM  
VAZIRLIGI  
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI  
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

**O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI**

**“TADQIQOT.UZ”  
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:  
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH  
ISTIQBOLLARI**

**II  
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA  
MATERIALLARI**

**TO‘PLAMI**

**Toshkent - 2023**

**Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:**  
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil,  
Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

**Tahrir kengashi:**

g.f.d., professor Hikmatov F.H.  
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.  
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

**Kengash a'zolari:**

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.  
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.  
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.  
PhD, dotsent Prenov Sh.M.  
PhD, dotsent Raxmonov D.N.  
PhD, dotsent Raxmonov K.R.  
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

**Mas'ul muharrir:**

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7506728>

## XX АСРНИНГ 50-80 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЛАНДШАФТШУНОСЛИГИ

**Эргашева Мавжуда Комилжоновна**

Бухоро давлат университети

e-mail: m.k.ergasheva@gmail.com

**Аннотация:** мақолада XX асрнинг 50-80 йилларида Ўзбекистонда табиий география, жумладан ландшафтшуносликнинг ҳолатини ўрганишда муҳим бўлган илмий ишлар, монографиялар, айрим дарслик ва ўқув қўлланмаларга муносабат билдирилган.

**Калит сўзлар:** ландшафтларни таснифлаш, табиий географик (ландшафт) округ-район-кичик район - ландшафтлар типи, ландшафтшунослик, диссертация, монография.

## THE LANDSCAPE SCIENCE OF UZBEKISTAN DURING 1950-1980S IN XX CENTURY Ergasheva Mavjuda

**Annotation:** In this article, essential scientific researches, monographies, some textbooks and handbooks related to physical geography, especially, landscape science in Uzbekistan during 1950-1980s in XX century explained in detail.

**Key words:** Description of landscape, physical geographic (landscape) area-region-small-region-type of landscape, landscape science, dissertation, monography.

XX асрнинг биринчи ва иккинчи ярмида Ўзбекистонда табиий география, жумладан ландшафтшуносликнинг ҳолатини юртимизда олий ўқув юртларининг ташкил этилиши, география соҳасидаги фанларнинг ўқитилиши, бу соҳага оид ҳимоя қилинган илмий ишлар, монографиялар, айрим дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мазмунидан имкон қадар маълумотга эга бўлиш мумкин. Мамлакатимизда ландшафтшунослик таълимотининг мустақамланиши бевосита унда кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар билан ҳамоҳанг тарзда борди. Яъни улар олий ўқув юртларида география мутахассисликларини ўқитилиши, география кафедраларининг фаолият кўрсатиши билан ёнма-ён ривожланди.

Ландшафтшунослик фанига доир бугунга қадар бир қатор ўқув адабиётлари яратилган. Жумладан, рус тилида “Ландшафты Узбекистана” (“Ўзбекистон ландшафтлар”) илмий мақолалар тўплами (1966), Ю.Султоновнинг “Ландшафтлар географияси” (1974), кейинчалик, Ш.С.Зокировнинг “Кичик ҳудудлар табиий географияси” (1999), Ш.С.Зокиров

ва Х.Р.Тошовларнинг “Ландшафтшунослик” (2015, 2016), М.К.Эргашева (2021)ларнинг ўқув қўлланмалари мисол бўлади [2,3,4,10].

Ю.Султоновнинг “Ландшафтлар географияси” ўқув қўлланмасида фаннинг вужудга келиши, объекти, предмети, вазифалари ва мамлакатимизда ривожланиши масалалари баён қилинган. Айниқса, олимнинг “... ландшафтшуносликнинг халқ хўжалигида, айниқса қишлоқ хўжалигида аҳамияти тобора ошиб бораётганлиги натижасида вужудга келди” деган фикрлари жуда қимматлидир [8,3-б.]. Муаллиф ушбу ўқув қўлланмада яна бир муҳим ғояни илгари сурди. У ландшафтшунослик билан умумий табиий географияни ўрганиш чегараларини изоҳлаб, ландшафтларнинг тарихан ривожланиши, ҳозирги ҳолати ва ички мазмунини фақат ландшафтшунослик тушунтиришини таъкидлаган [8].

Мамлакатимиз ландшафтшунослиги тарихида 1960 – 1970 йиллар катта из қолдирган. Жумладан, етакчи олимлар томонидан ландшафтшуносликка бағишланган бир неча монографиялар эълон қилинган. Масалан;

1. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Физико-географический районирования. – Т.: ТГУ, 1964. С 247. [1].
2. Ландшафты Узбекистана. Ташкент, «Фан», 1966. 135 с.
3. Когай Н.А. Туранская физико-географическая провинция. – Науч. тр. Т.: ТГУ, 1969. вып. 353 с [5].
4. Умаров М. Природные ресурсы низовьев р. Зарафшан и их использования. Ташкент, «Фан», 1967. -174 с [9].
5. Саидов А. “Ландшафты правобережья Среднего Зерафшана”. Ташкент, Изд-во «Фан», 1967. -132 с [7].

1966 йилда “Ўзбекистон ландшафтлари” номли тўплам М.Умаров муҳаррирлигида нашр этилган [6,136-с]. Унда С.А.Нишонов, М.Умаров, А.Абдулқосимов, А.Саидов, М.Қўзиев, Л.Алибеков сингари олимларнинг Ўзбекистонда ландшафт районлаштирилиши, худудларда рўй берадиган табиий географик жараёнлар, ўзлаштириш масалалари ёритилган 7 та мақолалари ўрин олган. Орадан бироз муддат ўтгач, етакчи олимлар томонидан бир неча монографиялар эълон қилинган.

Мамлакатимизда 1960 – 1970 йилларда ландшафтшунослик фанининг ривожланишида таниқли олим М.Умаровнинг ҳам тадқиқотлари аҳамиятли бўлган. У ландшафтшунос олима Т.В.Звонкова раҳбарлигида “Қуйи Зарафшоннинг табиий ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш” (1964) мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1967 йилда эса илмий тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, олимнинг “Қуйи Зарафшоннинг табиий ресурслари ва улардан фойдаланиш” (“Природные ресурсы низовьев р. Зарафшан и их использования”) номли монографияси нашр этирилган.

Асар олти бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи бобида Қуйи Зарафшоннинг географик ўрни ва иқтисодий ривожланиш истиқболлари ёритилган [6, 6-10-б]. Муаллиф ушбу бобда ўрганилаётган районнинг географик ўрни, иқлими, тупроқ, ўсимлик дунёсининг шаклланиш омиллари ҳамда уларни минтақа иқтисодини ривожлантиришдаги имкониятларига муносабат билдирган. М.Умаров Қуйи Зарафшоннинг иқлимидаги об-ҳавонинг кескин ўзгариши, қишнинг айрим йилларда изғиринлигини инобатга олиб, “Ўрганилаётган район иқлими субтропик эмас” - деган фикрни илгари сурган [6, 6-б].

Монографиянинг иккинчи боби Қуйи Зарафшон табиати ва қишлоқ хўжалик жиҳатдан ўзлаштирилиши тарихига оид изланишларни ўз ичига олган [6, 11-19-б.]. Унда Ўрта асрларда яшаган буюк олимлар Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Бобур, XIX асрнинг биринчи ва иккинчи ярмида ҳамда XX асрнинг биринчи ярмида тадқиқот олиб борган Э.А.Эверсман, Мейндорф, Пандер, В.А.Обручев, М.В.Мушкетов, Н.А.Зарудный, И.П.Герасимов, Н.Л.Корженевский, П.С.Макеев сингари ўнлаб олимларнинг номларини қайд этган. Мазкур бобда М.Умаров ландшафтшунос олима Т.В.Звонкованинг хизматларини эътироф этиб, унинг 1937-1940 йиллар давомида Қуйи Зарафшон, Жануби-Ғарбий Қизилқум ва Амударёнинг ўрта оқими ҳудудларида комплекс географик изланишлар олиб борганлигини, ҳудудларни ландшафт типларига ажратганлигини ва унинг табиий ресурсларини тавсифлаб, хўжалик ривожланишидаги истиқболларини кўрсатилганлигини ёзган [6, 18-б]. Шунингдек, монография саҳифаларида Т.В.Звонкованинг 1958-1960 йиллардаги ушбу ҳудудлардаги дала тадқиқотлари натижасида Бухоро вилояти ҳудуди қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун районлаштирилганлиги ҳам уқтириб ўтилган.

Монографиянинг учинчи бобининг мазмун моҳиятида Қуйи Зарафшоннинг табиий шароити ва уларни қишлоқ хўжалик жиҳатидан баҳолашда ландшафт компонентлари асос қилиб олинган [6, 20-85-б]. Ҳудуд иқлим шароитининг юқори даражадаги қурғоқчилиги чўл ландшафтларини вужудга келишида асосий омил эканлигини қайд этган. Шунингдек, учинчи бобда Қуйи Зарафшонда агроиқлим шароитини белгилашда муҳим бўлган ҳарорат, ёғинлар, ҳаво массалари, радиацион режим, тупроқ ҳосил қилишда тоғ жинсларининг аҳамияти, ирригация тизимини шакллантиришда рельефнинг роли, яйлов ва воҳани суғориш ишларида ерусти ва ерости сувларининг аҳамияти кабилар ҳам атрофлича таҳлил қилинган. Айниқса, ҳудуд ландшафтларини шаклланишида Зарафшон, Қашқадарё ва Амударёнинг оқимлари катта рол ўйнаганлиги қайд этилган [6, 39-б].

Монографиянинг тўртинчи боби Қуйи Зарафшоннинг ландшафтлари деб номлаган [6, 86-127-б.) Олим бу бобда ландшафт тушунчасининг талқини

мазмунини таҳлил этган ҳамда ўзининг илмий ғояларини билдирган. Бу қуйидагилардан иборат:

1. Ландшафт моҳияти бўйича олимларнинг фикрлари ранг-баранг, бир тўхтамга келинмаган.

2. Н.А.Гвоздецкий таъкидлаган ландшафт типологик бирлик ғояси амалиётга мос келади.

3. Қуйи Зарафшон худудининг табиий комплекслари генетик жиҳатдан 5 та ландшафт типлари гуруҳига мансуб [6, 7-расм].

4. Ландшафт типлари гуруҳи аллювиал текисликлар (56,4 %), эол текисликлар (21,5 %), денудацион платолар (9 %), элювий-пролювиал текисликлар (1,8 %), суғориладиган аллювиал текисликлардан (11,3 %) иборат.

5. Аллювиал текислик ландшафтларини шаклланишида литологик асоснинг аҳамияти катта [6, 8-9 расмлар].

Монографиянинг бешинчи боби “Қуйи Зарафшоннинг қишлоқ хўжалик мақсадлари учун табиий географик районлаштириши” деб номланган [6, 127-143 б.]. Муаллиф кўплаб географ (Л.С.Берг, Р.И.Аболин, Э.М.Мурзаев, П.С.Макеев, В.М.Четиркин, Т.В.Звонкова, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай ва б.) олимларнинг Ўрта Осиё ва Ўзбекистон худудларини табиий географик районлаштиришларини таҳлил қилган ҳамда Қуйи Зарафшон худудини 3 та ландшафт округи (Қуйи Зарафшон, Қуйи Қашқадарё, Амударё бўйи)га ажратган. М.Умаров табиий географик районлаштиришнинг аҳамиятини тавсифлар экан, “Биз ландшафт типлари асосида табиий географик районларни ажратдик, улар Қуйи Зарафшон табиат комплексларининг провинциал (регионал) фарқларини акс эттиради. Агар ландшафт типлари у ёки бу табиат комплексларини ифодаласа, табиий географик районлаштириш эса регионал хусусиятларни мужассамлаштиради” – деб таъкидлаган [6, 129-б.]. Монографияда Қуйи Зарафшон округи доирасида 2 та район, яъни Қуйи Зарафшоннинг қадимги дельтасидаги аллювиал текисликлар ва ҳозирги дельтасидаги суғорма аллювиал текисликлар ажратилган. Қуйи Қашқадарё округида ҳам 2 та район – денудацион платолар ва элювий-пролювиал текисликлар райони, Амударё бўйи округида йирик жўякли (грядали) мустаҳкамланган қумлар ва барханли қумлар райони ёки жами 6 та район ажратилган.

Монографиянинг сўнгги олтинчи боби “Қуйи Зарафшоннинг қадимги дельтасини қишлоқ хўжалик мақсадларида ўзлаштиришнинг истиқболлари” (“Перспективы сельскохозяйственного освоения древней дельты р. Зарафшан”) деб номланиб, унда худуднинг табиий шароитини қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятларини тавсифланган [6,127-140-б.]. Муаллиф Қуйи Зарафшоннинг қадимги дельтасидаги ерлар, уларнинг тупроқ қоплами,

рельефини қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш имкониятларини кўрсатиб ўтган. Айниқса, М.Умаров “дельтанинг шарқий қисми суғорма деҳқончилик учун қулай. Марказий, жанубий ва жануби-ғарбий қисмлари шўрланган, юқори ҳосил олиш учун мелиорациялаш ишларини олиб бориш лозим” – деб кўрсатган [6,145-б.].

Муаллиф дельтада қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Аму-Бухоро машина каналининг аҳамияти, суғориш усулларига атрофлича тўхталган, ёмғирлатиб суғоришнинг истиқболлари, артезиан сувларидан фойдаланиш, дефляция жараёнлари, уларни олдини олиш кабилар ҳам асосий омил сифатида баҳоланган [6,150-151-б.].

М.Умаровнинг ушбу асари мамлакатимизда ландшафтшунослик фанининг ривожланишида катта аҳамият касб этди. Бу қуйидагилардан иборат:

1. “Қуйи Зарафшоннинг табиий ресурслари ва улардан фойдаланиш” (“Природные ресурсы низовьев р. Зарафшан и их использования”) номли монография ландшафтшуносликка бағишланган йирик асарлардан бири.

2. М.Умаров ландшафтларни таснифлашда ўзига хос усулни таклиф этган. Яъни табиий комплексларини ажратишда табиий географик (ландшафт) округ-район-кичик район - ландшафтлар типи гуруҳи–ландшафт типи бириклари асосида иш тутган.

3. М.Умаров ландшафтлар типини ажратишда литологик, рельеф хусусиятларини, айримларида эса тупроқ-рельеф ёки рельефни асос қилиб олган.

4. М.Умаров Қуйи Зарафшон ҳудуди 3 та ландшафт округи (Қуйи Зарафшон, Қуйи Қашқадарё, Амударё бўйи), улар доирасида 6 та район ва 4 та кичик район, 5 та ландшафт типи гуруҳи, 21 та ландшафт типи (типологик комплекс) ажратган.

5. Муаллиф Қуйи Зарафшоннинг табиий географик районлари харита-чизмаси ҳамда ландшафт профилини яратган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Физико-географический районирования. – Ташкент.: ТГУ, 1964. -247 с.
2. Зокиров Ш.С. Ландшафтшунослик асослари. -Тошкент.: Университет, 1994.
3. Зокиров Ш. Кичик ҳудудлар географияси. -Тошкент.: Университет, 1999. 120 б.
4. Zokirov Sh.S., Toshov X.R. Landshaftshunoslik. -Toshkent.: Турон-замин-зиё, 2016, 250 б.
5. Когай Н.А. Туранская физико-географическая провинция. – Науч. тр. Т.: ТГУ, 1969. вып. 353 с.
6. Ландшафты Узбекистана. Выпуск I. –Ташкент.: “Фан”. 1966. -136 с.



7. Саидов А. “Ландшафты правобережья Среднего Зерафшана”. Ташкент:. Изд-во Фан, 1967. -132 с.
8. Султонов Ю. “Ландшафтлар географияси”. Тошкент: Ўқитувчи. 1974.
9. Умаров М. Природные ресурсы низовьев р. Зарафшан и их использования. Ташкент, Фан, 1967. -174 с.
10. Ergasheva M.K. Landshaftshunoslik (buyuk siymolar). –Buxoro. Durdon, 2021. 116 b.